



5 у.р. "5" феврал

№ 179-к

Самарқанд т-р Самарқанд

Самарқанд туман «Қайнама» қишлоқ фуқаролар йиғини Марказий ўрмон хўжалиги ўрлари ҳисобидан «Azizon mahsulot servis» масъулияти чекланган жамиятига қалбоса махсулотлари ишлаб чиқариш цехи қуриш учун ер майдони ажратиш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26 февралдаги аҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа тўғрисидаги қарорлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 августдаги 357-сонли «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш шартлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларни ижросини таъминлаш мақсадида, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг 2014 йил 5 декабрдаги 1-рақамли баёни, «Қишлоққурилишлойиҳа» бош лойиҳа қидирув институтининг 2014 йил 11 сентябрдаги 9-14/434-сонли баёни, Самарқанд вилоят табиатни муҳофаза қилиш бўлигининг 2014 йил 18 ноябрдаги 1553-сонли хулосаси, «Azizon mahsulot servis» масъулияти чекланган жамиятининг туман ҳокимлигига берган хати ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер участкаси алоқасиз далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) шартларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг 5 декабрдаги 208-рақамли баёни ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер участкаси алоқасиз далолатномаси тасдиқлансин.
2. Самарқанд туман «Қайнама» қишлоқ фуқаролар йиғини Марказий ўрмон хўжалиги ер участкасининг 43-контурдан «Azizon mahsulot servis» масъулияти чекланган жамиятига қалбоса махсулотлари ишлаб чиқариш цехи қуриш учун жами 0,20 га (шундан: 0,20 га қишлоқ участкасида фойдаланилмайдиган) ер майдони ажратилсин.
3. Қалбоса махсулотлари ишлаб чиқариш цехи бино иншоотларини қуришдан олдин Самарқанд вилоят ҳокимлигининг «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8,39-моддасига асосан қилган ишчи гуруҳ А.Р.Т. лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиш назорат экспертизаси ва Самарқанд вилоят инспекцияси рўйхатидан ўтказиш вазифаси «Azizon mahsulot servis» масъулияти чекланган жамияти директори Қадиров Санатга юклатилсин.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солигини ундириш ва 2014 йил 1 январ ҳолатидаги ер балансида ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (О. Исмоилов) ва ЕР ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Ф. Солиев)га юклатилсин.
5. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Санатга юклатилсин.

Туман ҳокими

Б. Қадиров